МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА РИВОЖЛАНГАН ИККИЛАМЧИ ИММУНОДЕФИЦИТЛАРДА РИВОЖЛАНГАН АФТОЗ СТОМАТИТЛАРНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

Фарғона Жамоат Соломатлиги Тиббиёт

Институти мустакил татқиқотчиси

Сотиволдиев А. Т.

Фарғона Жамоат Соломатлиги Тиббиёт

Институти кафедра доценти PhD

Шакиров С. А.

Аннотация: Мактаб ёшидаги 7-16 ёшли болаларда ривожланган иккиламчи иммунодефицитларда асосан, инфекцион касалликлар фонида афтоз стоматитлар юзага келади. Бу жараёнда асосан шиллиқ қаватларда МАЛТ тузилмаларнинг гипертрофик ва атрофик эрозив зарарланиши оқибатида ривожланган яралар оқибатида, инфекция дарвозаси юзага келиб, сепсис, септицемияларда барча қон томирларнинг тизимли жавоб реакциялари ривожлданади. Натижада, МАЛТ тузилмаларининг фалажланиши барча шиллиқ қаватларда ярали некротик яллиғланишларни юзага келтириши оқибатида жараёнга иккиламчи замбуруғли инфекцияларни қўшилиши оқибатида, болалар оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида оғир даражадаги афтоз стоматитларни ривожланишига олиб келади. Натижада, шиллиқ қаватнинг оғир яраланиши, МАЛТ тузлмасининг биринчи звеноси бўлган Пирогов- Валдер ҳалқасини хам издан чиқишига олиб келади.

Калит сўзлар: мактаб ёшидаги болалар, афтоз стоматит, иммуно-дефицит, МАЛТ тузилмаси, сепсис.

Муаммонинг долзарблиги. Дунёда, демографик кўрсаткичлари юқори бўлган давлатлардан Хитой, Хиндистон, Япония, Сингапур ва АҚШ давлатлари бўлиб, ёш қатламида иммун аъзоларнинг ўткир ва сурункали етишмовчилиги билан ривожланадиган жами касалликлари ўртача 11,3% ни ташкил этиб, шулардан ўртача, 8,9% болаларда стоматитнинг турли кўринишдаги клиник морфологик турлари юзага келади. Айнан, юқорида келтирилган 8,9% да ривожланадиган стоматитларни қарийб 4,1% да афтоз стоматитларнинг юзага келши аниқланган. Бу эса, юқорида келтирилган давлатларда ўртача йилига 85 млн. болани ташкил этади. Россия Федерацияси ва МДХ давлатларида бу кўрсаткич ўртача, жами аҳолини 1,3%ни ташкил этиб, ўртача сон жихатдан 12,8 млн. ёш болани ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида, йилига стоматитлар билан касалланганлар сони ўртача 750-850 мингтани ташкил этади. Афтоз стоматитларни профилактикаси асосан, иммун аъзоларнинг функционал холатини, баҳоловчи аъзолардан бўлган ёнбош ичакнинг фаоляти билан баҳоланади. Айнан, болаларда мавсумий ривожланадиган ўткир ичак касалликларининг инфекцион турида, ёнбош ичак MALT- тузилмаларини ўткир етишмовчилиги билан стоматитларни турли кўринишлари юзага келишининг патогенетик сабаблари ханузгача аниқланмаган.

Материал ва усуллар. Материал сифатида Республика патологик анатомия марказига олиб келинган ва ўткир лейкозларнинг турли шакллари ва сепсиснинг турли шаклларидан вафот этган 57 та аутопсияси ҳолати, ёнбош ичак ва оғиз шиллиқ қавати материаллари ташкил этди. Шуларда 40 таси эркак жинсли ва 17 таси аёл жинслиларни матераллари олинди. Тайёрланган бўлакларчалар морфологик жиҳатдан ўрганилади.

Мухокама ва натижалар. Иккиламчи иммунодефицитларда юзага келадиган оғир асорталарда, ошқозон ичак трактидаги барча иммун майдонлар МАЛТ тузилмаларнинг ўткир етишмовчилиги, шиллиқ қаватида ярали некротик жараёнларни ривожланишига олиб келади. Ёнбош ичакдаги МАЛТ тузилмларнинг диффуз фалажланиши, морфологик жихатдан, лимфоид фолликулаларнинг кескин кичиклашиши ва трофик ўзгариши, айнан, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларида ҳам юзага келиши оқибатида, стоматитларнинг турли хил шакллари юзага келиши билан намоён бўлади. Жараёнга иккиламчи бактериал инфекцияларни қўшилиши йирингли, ярали стоматитларни диффуз ривожланиши афтоз стоматит деб юритиладиган патологияни шаклланишига олиб келади. Айнан, 5-7 ёшли болаларда бу жараёнларни ўткир ва сурункали тусда кечиши стоматитнинг турли шакллари ривожланишига олиб келади. Морфологик жихатдан оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ярали стоматитларда яранинг туби фибриноид некроз ва бириктирувчи тўқиманинг ҳужайрали массаси билан ифодаланади. Ушбу ҳужайраларнинг келиб чиқиш ўзаги ясси эпителиоцитлар ҳисобланади, уларнинг атрофида кўп қаватли ясси эпителий гиперплазия ва гиперхромазия ҳолатида бўлиб, қалинлашган жойларида чуқур ўчоқларнининг вакуолизланганлигини ва некробиотик нуқсонларнинг ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса. Ўткир лейкозлар фонида фонида ривожланган герпетик стоматитда оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватининг зарарланиши яллиғланишнинг қайси даври бўлишига қарамай экссудатив ва проллифиратив яллиғланиш сифатида намоён бўлади. Герпетик стоматитнинг экссудатив босқичи везикула, булла, пустула ва апостема элементларининг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Яллиғланишнинг бирламчи тузилмалари морфологик жиҳатдан қуйидаги шаклларида намоён бўлди: макула ёки доғлар, яллиғланиш доғлари, геморрагик доғлар ва пигмент доғлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибрагимова М. и др. Патоморфологические изменения слизистой оболочки полости рта при хроническом рецидивирующем афтозном стоматите на фоне хронического калькулезного холецистита //Журнал стоматологии и краниофациальных исследований.2020.Т.1.№.2.С.59-64.
2. Волосовец Т. Н., Фелештинская О. Я. Оценка эффективности диагностики и лечебной тактики хронического рецидивирующего афтозного стоматита //Вестник стоматологии. – 2020. – Т. 35. – №. 1 (110). – С. 22-26.
3. Мозговая Л. А. и др. Адаптационные возможности организма детей как факторы формирования их стоматологического здоровья //Системный анализ и управление в биомедицинских системах. – 2011. – Т. 10. – №. 4. – С. 845-847.
4. Ермуханова Г. Т. и др. Клиническое течение проявлений ВИЧ-инфекции в полости рта у детей //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2017. – Т. 5. – №. 2. – С. 41-47.

5. Рябоконь Е.Н., Бодня Е.И., Савельева Н.Н. Хронический рецидивиру-ющий афтозный стоматит–стоматологическое проявление паразитарной инвазии //теоретична і експериментальна медицина. – 2011.
6. Хафизов Р.Г. Патоморфологические процессы и элементы поражения при заболеваниях слизистой оболочки полости рта : учебно- методическое пособие / Р.Г. Хафизов, Ф.А. Хафизова, Н.В. Малышев, А.Р. Фасахов. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2019. – 54 с.
7. Казакова Р. В. и др. Клинические критерии состояния полости рта при заболеваниях слизистой оболочки у детей. – 2012.
8. Казакова Л. Н. и др. Профилактика осложнений при лечении пульпитов у детей на этапах формирования корневой системы и ее инволютивных изменений //Саратовский научно-медицинский журнал. – 2011. – Т. 7. – №. 1. – С. 249-252.